



## ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Мардонов Баҳодир Бахронович** -

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
«Рақамли иқтисодиёт» кафедраси доценти, PhD.

**Пардаев Жаҳонгир Собиржон ўғли** -

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
II курс магистранти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a29](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a29)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудудий дастурларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Ҳудудларда амалдаги мавжуд бўлган дастурларнинг камчилиги ёритилган. Шунингдек, муаллифлар ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш дастури намунасини келтирганлар.

**Таянч сўзлар:** ЯИМ, даромад, аҳоли турмуш даражаси, бандлик, ишсизлик, стратегия, камбағаллик, хизмат кўрсатиш соҳаси, туризм.

## РАЗРАБОТКИ ПРОГРАММЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕГИОНАХ

**Мардонов Баҳодир Бахронович** -

Самаркандский институт экономики и сервиса  
доцент кафедры «Цифровая экономика» (PhD).

**Пардаев Жаҳонгир Собиржон ўғли** -

магистрант Самаркандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** В статье подчеркивается важность региональных программ в социально-экономическом развитии регионов. Подчеркивается отсутствие программ, которые практически доступны в регионах. Также авторы привели пример программы развития сервиса в регионах

**Ключевые слова:** ВВП, доход, уровень жизни, занятость, безработица, стратегия, бедность, услуги, туризм.

## DEVELOPMENT A PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SERVICES IN THE REGIONS

**Mardodnov Bahodir Bakhronovich** -

Samakand institute of economics and  
service, associate professor (PhD)

**Pardaev Zhahongir Sobirjon ugli** -

master student Samarkand institute of  
economics and service

**Annotation.** The article emphasizes the importance of regional programs in the socio-economic development regions. The absence of programs that are practically available in the regions is emphasized. The authors also gave an example a program for the development of service in the regions.

**Key words:** GNP, income, employment, unemployment, strategy, poverty, services, tourism.

**Кириш.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни жадал ривожлантириш улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларни камайтириш бўйича долзарб вазифалар белгиланган. Президент Ш.Мирзиёевнинг вилоятлардаги ташрифларида ҳам жойларда иқтисодий, меҳнат ва табиий салоҳиятдан яхши фойдаланилмаётганлиги, қишлоқ туманларининг келгуси тараққиётини аниқлашга етарли эътибор берилмаётганлиги қайд этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда жами аҳолининг қарийб 50,0 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади[1]. Демак, қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини оширишдек дол-

зарб муаммо мавжуд. Ушбу долзарб муаммонинг ечими иқтисодиётнинг асосий соҳаси ва ҳозирда мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг «драйвери»га айланган хизмат кўрсатиш соҳаси ҳал этиши мумкин. Маълумотларга қараганда жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир[2]. Ўзбекистонда ҳам камбағал оилалар сонининг аксарияти бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2030 йилга мўлжаллаган тараққиёт дастурида хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва камбағалликни барҳам беришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти тадқиқотларида сервис индус-

триясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқаришини аниқланган. Демак, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бугуни кунда долзарб вазифа ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид россиялик олимлардан А.Г.Гранберг[3], А.Лёш[4], Т.Г.Морозова [5], Г.Г.Фетесов, В.П.Ореншин [6] ва бошқалар тадқиқ этишган. Ўзбекистонда ҳам минтақаларни барқарор ривожланиши учун мамлакатимизнинг қуйидаги олимлари: М.Абдусаломов [7], Т.Аҳмедов[8], А. Солиев[9], А.Содиқов[10], О.Олимжонов[11], Ш.Назаров[12], Х.Сайдахмедов[13], С.Зокиров[14] ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Улар ўз тадқиқотларида иқтисодий ўсишнинг замонавий омиллари, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш масалалари амалий нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Масалан, О.Олимжоновнинг “Туманни ривожлантириш стратегик дастурини ишлаб чиқиш методикасини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш масалалари” деб номланган илмий мақолаларида “...худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегик дастурини ишлаб чиқишда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда “Smart region” (ақлли ҳудуд) концепциясини қўллаш туманда “ақлли иқтисодиёт”ни бошқариш «ақлли бошқарув» ва “ақлли муҳит”ни шакллантириш[15]” каби муҳим масалалар алоҳида ўрин олган. А.Содиқовнинг ҳудудларни ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш борасида билдирилган қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “...худудларда фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш асосида ҳудудий ривожланиш стратегияси ва дастурлари ишлаб чиқиш зарур[16]”. Табиий ресурслар чекланган шароитда аҳолининг ўсиб боровчи чексиз эҳтиёжларини қондириш қийин вазифа. Аммо, ҳудудлардаги ишга солинмаган салоҳият ушбу муаммодан қутилиш имконини беради.

Масалан, БАА ва Саудия Арабистони каби мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг имкони йўқ, қазилма бойликларининг кўплаб турларини учратиш ҳам жуда қийин, ёки айтайлик уларнинг табиий иқлими ҳам саноат корхоналарини мунтазам ишлашига ҳалақит беради. Аммо шунча қийинчиликларга қарамасдан ушбу мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси иқтисодиёти ўта ривожланган Ғарб мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражасидан паст эмас. Улар бундай даражага ўта мукамал ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик дастурларни ишлаб чиқиб ва уларни амалга ошириш орқали эришган. Б.Валиевнинг таъкидлашича ҳудудларни ривожланиш стратегияларини шакллантириш

да ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларни фаол жалб этишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди[17]. Сўнгги йилларда баъзи ҳудудларимизда инвестициялар асосан давлат инвестициялари ҳисобига амалга ошмоқда. Ваҳоланки, ҳудудлар хусусий инвестицияларни жалб этиш йўллари, молиялаштириш манбаларини ўзларининг мавжуд имкониятларидан фойдаланиб амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўларди эди. Умуман олганда анча йиллардан бери Республикаимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган хусусан, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган. Масалан, “2012-2016 йиллар ҳамда 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурлари, шунингдек, “2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш Дастури шулар жумласидандир.

**Тадқиқот методологияси.** Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда илмий таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий усуллари ҳамда натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (асосий қисм).** Мамлакат тараққиёти учун юқорида таъкидлаб ўтилган дастурлар диққатга сазовор, ҳамда аҳолининг мушуқлини енгиллаштиришда муҳим аҳамият касб этган. Ушбу дастурларда белгиланган вазифаларнинг ижроси натижасида Республикаимиз қишлоқ жойларида ижтимоий ва иқтисодий вазият бир мунча яхшиланди. Аммо, қишлоқ жойларда ижтимоий соҳа объектлари, савдо, банк ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари билан таъминланганлик даражаси аҳоли сонига қараганда анчага кам.

Масалан, Жомбой тумани аҳолисини иш билан таъминлаш турмуш даражасини яхшилаш имкониятларини аниқлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган ОШП лари ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

Ўрганишлар ОШПларида ҳам олий маълумотли шифокорларга эҳтиёж борлигини аниқлади. Масалан, “Ногоҳон” ОШП атиги 2 нафар олий маълумотли шифокорлар 2 та маҳалланинг 9066 аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаяпти.

2020 йилда Жомбой туманида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати

№	ОШП	Олий маълумотли ходимлар (киши)	Ўрта маълумотли ходимлар (киши)	Тиббий хизмат кўрсатилаётган маҳалла ва аҳоли сони		Қабул қилиш қуввати (киши)	Ўртача бир кунда ташрифлар сони
				маҳалла (та)	аҳоли (киши)		
1	Ногохон	2	14	2	9066	50	48
2	Наймантепа	2	20	3	8935	50	47
3	Оқ-олтин	1	18	2	7671	50	48
4	Зарафшон	3	25	3	10653	50	50
5	Сарикипчок	1	17	1	3583	50	50
6	Охунбобоев	2	16	3	7720	50	50
7	А.Курбонов	3	21	3	8364	50	50
8	Жомбой	3	22	3	8702	50	54
9	Эсонтурдиев	4	28	2	11712	50	53

*Манба:* Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси маълумотлари асосида тузилди.

Шунингдек, “Зарафшон” ОШП 3 нафар олий маълумотли шифокорлар 3 та маҳалланинг 10653 аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаяпти. Ваҳоланки, қишлоқ жойларда ҳар 2000 кишига бир нафар олий маълумотли шифокор хизмат кўрсатиши белгиланган[18]. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда ҳар 1000 кишига 3 нафар олий маълумотли шифокор тўғри келади. Ушбу

маълумотларга қараганда Жомбой туман ОШП ларида олий маълумотли шифокорларга эҳтиёж бор. Ушбу ҳолат республикамизнинг барча қишлоқ туманларида ҳам учрайди. Ёки айталик, қишлоқ мактабларидаги педагог ўқитувчиларнинг ўқувчилар нисбат кўрсаткичи ҳам халқаро меъёр кўрсаткичи даражасида эмас ва бу таълим сифатига сезиларли даражада салбий таъсир этади (2-жадвал).

Жомбой тумани мактабларида таълим самарадорлиги тўғрисида маълумот

Йиллар	1-4 синфлар бўйича			5-11 синфлар бўйича			Жами бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони, киши
	ўқувчилар сони, киши	ўқитувчилар сони, киши	Бир ўқитувчига тўғри келган ўқувчилар сони, киши	ўқувчилар сони, киши	ўқитувчилар сони, киши	Бир ўқитувчига тўғри келган ўқувчилар сони, киши	
2018	12653	624	20	13064	1474	9	12
2019	13186	625	21	17661	1655	11	14
2020	13461	610	22	18252	1684	11	14

*Манба.* Жомбой туман халқ таълим бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Жомбой туманидаги мактабларда педагог ва ўқувчилар нисбати Халқаро меъёрлар даражасидан 3-4 тага кўплигини кўрсатди. Масалан, 2018 йилда бир мактаб ўқитувчисига 12 нафар мактаб ўқувчи тўғри келган. 2019 ва 2020 йилларга келиб ушбу кўрсаткич яна 2 нафарга ошган. Ваҳоланки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳар бир мактаб ўқитувчисига 7-8 нафар мактаб ўқувчи тўғри келади. Туман ўрта таълим мактабларида педагог ва ўқувчилар нисбати меъёр талабларидан ошганлиги сабабли ўқувчилар билимларни ўзлаштириш даражасига салбий таъсир қилган. Бу ўз навбатида туманнинг мактаб ўқувчиларини ОТМ муассасаларига кириши бўйича умумий рейтингига таъсир қилади. Бу каби муаммолар республикамизнинг кўплаб ҳудудларида учрайди. Ҳудудларда ушбу муаммолар мавжудлигининг асосий сабаби хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини мукамал ишлаб чиқилмаганлигидадир.

2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилинган мурожаатларида вазирлик, вилоят, шаҳар ва бошқа соҳа вакиллари олдида “....Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак” - деган буюк мақсадни кўйдилар.

Шунингдек, жорий йилнинг 22 апрел кунда Президент Ш.Мирзиёев раислигида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видео селектор йиғилишини ўтказдилар. Унда ҳам ҳар бир ҳудуд раҳбарларига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини юкладилар.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Республикаимизнинг барча

худудларида мавжуд хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури худуд имкониятлари доирасида тузилмаган. Шунчаки вазифаларни бажариш мақсадида тайёрланган. Шу сабаб худудларнинг чека туманларида хизмат кўрсатиш шаҳобчалари тарқоқ жойлашган.

Янги Ўзбекистонни ривожлантириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш, қишлоқ жойларда “Темир” дафтар, “Ёшлар” дафтари, “Аёллар” дафтарига киритилган кишиларнинг ижтимоий муаммоларини барта-раф этиш учун худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини такомиллаштириш лозим. Токи худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси мукамал ривожланмас экан Учинчи ренессанс пойдеворини қуришни, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишнинг имкони бўлмайди.

**Таклифлар.** Илмий изланишларимиз натижасида худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор биришни таклиф этамиз:

1. Инсон камолоти учун муҳим аҳамиятни касб этадиган хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш:

1.1. Таълим хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва сифатини яхшилаш:

- мактабгача;
- мактаб;
- ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари;
- олий таълим муассасалари.

1.2. Тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва сифатини яхшилаш:

- туман марказий шифохоналар;
- оилавий поликлиникалар;
- оилавий шифокор пунктлар;
- ташхис қўйиш ва даволаш марказлари;
- тиббий лаборатория хизматлари ва шу кабилар.

1.3. Жисмоний маданият соҳасини ривожлантириш ва сифатини яхшилаш:

- туман жисмоний маданият ва спорт бўлимлари хизматларини такомиллаштириш;
- қишлоқ мактабларида спорт тўғарак хизматларини ташкил этиш;
- қишлоқ жойларда спорт майдончаларини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

1.4. Санъат, маданият соҳасини ривожлантириш ва сифатини яхшилаш:

- мусиқа мактаблари;
- маданият уйлари;
- музейлар;
- хусусий уй музейларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот ресурс марказларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;

- компьютер сабоқларини ўргатиш марказларини ташкил этиш;

- хорижий давлатлар маданиятини ва тилларини ўргатиш марказларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш.

1.5. Касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;

1.6. Хорижий давлатларга ишга жойлаштириш хизматларини ташкил этиш (ташқи миграция хизматлари);

2. Ишлаб чиқариш корхоналарига кўрсатиладиган хизмат турларини ривожлантириш;

2.1. хомашёларни ташиш ва сақлаш хизматлари;

2.2. ярим тайёр махсулотларни етказиб бериш хизматлари;

2.3. тайёр махсулотларни тахлаш, ўраш ва жойлаштириш хизматлари;

2.4. жиҳозларни ўрнатиш, техник таъмирлаш хизматлари;

2.5. махсулотларни сотиш ва реклама хизматлари;

2.6. ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиларини ташиш ва қайташ ишлаш хизматлари;

3. Қишлоқ хўжалигига кўрсатиладиган хизмат турларини ривожлантириш;

3.1. қишлоқ хўжалик транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш;

3.2. қишлоқ хўжалик экинларини экиш, парваришлаш ва зараркундаларга қарши курашиш хизматлари;

3.3. қишлоқ хўжалиги учун кўчатлар, уруғлар етиштириш хизматлари;

3.4. тупроқ таркибини аниқлаш ва ер унумдорлигини ошириш учун маслаҳат хизматлари;

3.5. ветеринария хизматлари;

3.6. биолобаратория хизматлари;

3.7. зотли қора мол, қўй, паррандаларни етказиб бериш хизматлари;

3.8. қишлоқ хўжалик махсулотларини реклама қилиш ва сотиш хизматлари;

4. Савдо ва умумовқатланиш, корхоналаридаги хизматларни ривожлантириш;

4.1. маҳалла марказларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконларини ҳамда дорихоналарини ташкил этиш;

4.2. савдо мажмуаларида махсулотларни жойлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

4.3. умумий овқатланиш (ошхона, чойхона, ресторан) хизматларини ташкил этиш;

4.4. умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланадиган таомларга буюртмалар қабул қилиш ва уларни етказиб бериш хизматларини ташкил этиш;

5. Юк ва йўловчи ташувчи транспорт хизматларини ривожлантириш;

5.1. маҳалла марказидан туман марказига йўловчиларни ташиш хизматларини ташкил этиш;

5.2. фуқароларнинг оғир юklarини манзилларига етказиб бериш, тушириш ва жойлаштириш хизматларини ташкил этиш;

5.3. фуқароларнинг автотранспорт воситаларини ювиш (тозалаш) ва техник хизмат кўрсатиш;

5.4. фуқароларга автотранспорт воситаларини сотиш ва расмийлаштириш хизматларини кўрсатиш;

5.5. транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш хизматларини ташкил этиш;

6. Банк, молия ва кредит хизматларини ривожлантириш;

6.1. маҳалла марказларида банккомат аппаратларини ўрнатиш;

6.2. маҳалла марказларида банк шахобчасини ташкил этиш ва унда молия ва кредит муносабатлари билан боғлиқ бўлган турли хизматларни кўрсатиш (кредит бериш ва уни расмийлаштириш, кредит ва коммунал тўловларини қабул қилиш ва ҳоказо);

6.3. фуқароларга мол-мулкни, соғлиғини асраш учун суғурта хизматларини ташкил этиш;

7. Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш.

7.1. курилиш жиҳозларини етказиб бериш хизматларини ташкил этиш;

7.2. дурадгорлик (эшик, ром ясаш) хизматларини ташкил этиш;

7.3. уй-жой қуриш ва уларни таъмирлаш хизматларини ташкил этиш ва сифатини яхшилаш;

7.4. фуқаролар уй-жойларини рўйхатга олиш ва кадастр ишлари билан боғлиқ хизматлар;

7.5. аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш хизматлари сифатини яхшилаш;

7.6. аҳолини табиий газ ва электр энергия билан таъминлаш хизматлари сифатини яхшилаш;

7.7. йўлларни таъмирлаш ва ёритиш хизматлари сифатини яхшилаш;

7.8. алоқа (интернет, телефон) хизматларини ташкил этиш ва почта хизматлари сифатини яхшилаш.

8. Маиший хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш;

8.1. аёллар гўзаллик салонини ва эркаклар сартарош хоналарини ташкил этиш ва сифатини яхшилаш;

8.2. тикувчилик ва тўқувчилик хизматларини ташкил этиш ва сифатини яхшилаш;

8.3. компьютерларни ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш;

8.4. маиший товарларни таъмирлаш хизматларини ташкил этиш;

8.5. пойабзал таъмирлаш устохоналарини ташкил этиш;

8.6. "Paynet" хизматларини ташкил этиш

9. Қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш

9.1. агротуризмни ривожлантириш

9.2. қишлоқларда дехқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик йуналишлари ривожланган жойларни танлаш. Ушбу жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, сайёҳлар дам олиш масканларини (шийпонлар, чодирлар) барпо этиш.

9.3. қишлоқ жойларида енгил конструкцияли уй меҳоналарини қуриш ва транспортда хизмат кўрсатиш;

9.4. қишлоқ жойлардаги тарихий ёдгорликлар ва зиёрат масканлари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш улар ҳақида қизиқарли, афсонавий маълумотларни тўплаш ва чоп этиш;

9.5. қишлоқ жойлардаги тарихий объектларнинг туристик маршрутларини ишлаб чиқиш.

Таклиф этилаётган дастурдаги хизмат кўрсатиш соҳаси турлари шунчаки, хизматлар ҳажмини ошириш ёки хизматларнинг янги кўринишини шакллантириш эмас, балки, хизматларнинг янги турларини таклиф этиш орқали иш ўринларини яратиш, хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашдан иборат. Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси дастурида соҳани ривожлантириш йўналишлари ва ҳар бир йўналишда хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари келтирилган.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун худудлардаги инвестицион лойиҳа намоёндаларига дастур йўналишларини бириктириш ёки худудларда инвестицион лойиҳа дастурларини ишлаб чиқишда «Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш» дастури асосида шакллантиришни тавсия этамиз.

Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланса аҳоли бандлиги таъминланади, даромадлари кўпаяди, турмуш даражаси яхшиланади, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ҳам ошади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2020 й. – 36 бет.
2. [https://www.eurekalert.org/pub\\_releases/2019-03/ifpr-2qf032219.php](https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2qf032219.php) (мурожаат қилинган сана: 20.11 2020 йил)
3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.-М.:2000;
4. Лёш А. Географическое размещение хозяйства.-М.:1959;

5. Морозовой Т.Г. Региональная экономика. Под ред. Морозовой Т.Г. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: 2001. - 472 с.;
6. Фетесов Г.Г., Орешин В.П. ОБЗ Региональная экономика и управление: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2006, - 416 с.
7. Абдусаломов М.О. Целях и методологических основах региональных политики. // "Современные проблемы региональной экономики" сб. статьи/ НИЦ "Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана" при ТГЭУ. - Ташкент, 2015. С.6-11;
8. Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. - Москва: Изд. РЭА им. Г.В. Плеханова 2006. - 231 с.;
9. Солиев А.С. Минтақавий иқтисодиёт ва унинг аҳамияти. // "Минтақавий иқтисодиётнинг замонавий муаммолари" илмий мақолалар тўплами. - Т.: "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" ИТМ, 2015. Б. 159-166;
10. Садыков А. Концептуальные подходы к формированию стратегии долгосрочного развития. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: материалы форума экономистов Ташкент, 2013. с 3-13.;
11. Олимжонов О.О. Методика оценки влияния сельскохозяйственных ресурсов на повышение индустриализации экономики регионов. Механизмы и пути формирования инновационной экономики в свете реализации Стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах: материалы X Форума экономистов // Ташкент, 2018. С. 233-239;
12. Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. и. ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: 2016. 93 б.;
13. Сайдахмедов Х.М. Развитие регионов Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень "Экономика Узбекистана" за 2017 год. ЦЭИ, 2018.г.;
14. S.Zokirov, Kh.Umarov. Economic Development in the Fergana Valley since 1991. // Fergana Valley the Heart of Central Asia (edited by S.Frederick Starr), M.E.Sharpe Armonk, New York, London, England. 2011-S.232-252.
15. Олимжонов О. Туманни ривожлантириш стратегик дастурини ишлаб чиқиш методикасини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш масалалари. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова./ Ташкент: IFMR, 2019. С359.
16. Содиқов А. Худудий ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқишнинг концептуал асослари. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова./ Ташкент: IFMR, 2019. С354.
17. Валиев Б. Ўзбекистон худудлари ривожланиши стратегияларини шакллантириш шароитида инвестицияларнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова./ Ташкент: IFMR, 2019. С370..
18. Временные штатные нормативы медицинского персонала учреждений первичной медико-санитарной помощи сельских районов. Утвержденно Министр здравоохранения Республики Узбекистан. 24.07.2017 г. №06-3/448,0. 8-10 стр.